



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Наманган вилоят перинатал маркази  
директори

И.Н.Мухитдинова

Наманган вилояти Наманган шаҳар Бобуршоҳ 143а кўчасида жойлашган Вилоят перинатал марказида воланаётган беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

#### 1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

Наманган вилоят перинатал маркази

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Наманган шаҳри Бобуршоҳ 143а

Бош директор:

И.Мухитдинова

1.2. Наманган вилоят перинатал марказининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Наманган вилоят перинатал марказида даволанувчи беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизмати билан 307.593.720,0 сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

#### 2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган вилояти Наманган шаҳар Бобуршоҳ 143а кўчасида жойлашган Наманган вилоят перинатал марказида даволанувчи беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

#### 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

#### 4. Ижроига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Наманган вилояти Наманган шахар Бобуршоҳ 143а кўчасида жойлашган Наманган вилоят перинатал марказида даволанувчи беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофик қуидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

4.4. Куидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўtkазувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

## 5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилояти Наманган шаҳар Бобуршох кўчаси 143а уйда жойлашган Наманган вилоят перинатал марказида даволанувчи bemorlar учун иссиқ овқат тайёrlаш Аутсорсинг ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича	Аутсорсинг хизмати